

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВ БАХТИЁР СУЛТОННАЗИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МОДЕРНИЗАЦИЯ
ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Сиёсий фанлар доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора наук (DSc) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor on Political Sciences (DSc)**

Якубов Бахтиёр Султонназирович

Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнида сиёсий
партияларнинг ўрни 3

Якубов Бахтиёр Султонназирович

Роль политических партий в модернизационном процессе
в Республике Узбекистан 35

Yakubov Bakhtiyar Sultannazirovitch

The role of political parties in modernization proces
in the Republic of Uzbekistan 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 70

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВ БАХТИЁР СУЛТОННАЗИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МОДЕРНИЗАЦИЯ
ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.:DSc/SS59 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-sf@uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Муминов Алишер Гаффарович,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Журакулов Фуркат Норйигитович,
сиёсий фанлар доктори (DSc);

Жўраев Қодир Асадович,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Усмонов Маъруф Шакирович,
фалсафа фанлари доктори (DSc).

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 3 март куни соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона). Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24

Диссертация автореферати 2022 йил «21 февраль» куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)



Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш расми, с.ф.д., профессор

К.М.Мирзаахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.д.(PhD), доцент

И.Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар расми ўринбосари, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кечаётган жадал модернизациялашув жараёнлари сиёсий партиялар ва кўппартиявийлик тизими амалиётини институционал, функционал ва ташкилий хусусиятларини такомиллаштириш, муайян ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини тўлиқ ифода этиш талабини ошириб бормоқда. Бугун жамиятдаги янгилашлар ва демократик бошқарувнинг такомиллашиб бориши таъсирида кўппартиявийлик тизимида юз бераётган трансформациявий ва модификацион ўзгаришлар сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштиришни объектив заруратга айлантирмоқда. Дунёнинг демократик мамлакатларида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Шу боис партиялараро соғлом рақобатни кучайтириш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таъсирини ошириш, уларнинг модернизация жараёнларига мослашувчанлигини таъминлаш, сайлов жараёнидаги ваколатларини кенгайтириб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ривожланган давлатларнинг сиёсий таҳлилга ихтисослашган илмий тадқиқот марказларида модернизация масалалари, уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партияларнинг ўрни билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жаҳон илм-фанида давлат ҳокимияти тизимида кўппартиявийлик, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг оптимал йўллари жорий этиш, ислохотлар жараёнида аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ифодалаш ва замонавий механизмларни қўллашда сиёсий партиялар фаолиятини янада ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этиб бормоқда. Модернизацион жараёнларда сиёсий партиялар фаолияти тизимли такомиллашиб боровчи сиёсий-ижтимоий ҳодиса эканлиги сабабли унинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ва қонуниятларини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон сиёсий тизимини модернизациялаш жараёнининг узлуксизлиги сиёсий партияларнинг ғоя ва мафкураларини доимий равишда такомиллаштириш, партиялараро зиддият ва ихтилофларни консенсус асосида ҳал этиш, электоратнинг манфаат ва эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда мавжуд муаммоларнинг илмий ечимларини топишни талаб этмоқда. Бугун “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши лозим” тамойили асосида ҳаётнинг барча соҳаларини модернизациялаш жараёнлари фаоллашди. “Кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсирини

ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш”¹ вазифаси бугунги кунда объектив ижтимоий зарурат туфайли юзага келмоқда. Шундай бир вазиятда сиёсий партияларнинг ўз депутатлик корпуси орқали янгиланишларнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, ижро ҳокимияти устидан самарали назоратни амалга ошириш, плюрализм ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш каби функциялари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги “Сиёсий партиялар тўғрисида”, 2007 йил 11 апрелдаги “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 4 мартдаги “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Модернизация жараёнларида сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таъсирини ошириш, партиявий тизимларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги масалалари бир қатор хорижий мамлакатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, The European University Institute (Италия), University of Bern (Швейцария), University of California (АҚШ), Centrum fur angewandte Politikforschung/CAP (ГФР), Ruprecht-Karls-Universität Heidelberg (ГФР), European Institute of Public Administration (Голландия), Institut d'études politiques de Paris (Франция), Progressive Policy

¹Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг дастури // URL – <http://uzslidep.uz/news/uzbekiston-respublikasi-prezidentligiga-nomzod-shavkat-miromonovich-mirziyoevning-dasturi>.

²Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.eui.eu/>, <http://www.eipa.eu>, <https://www.progressivepolicy.org/>, <http://www.nira.go.jp>, <https://shalem.ac.il/en/>, <https://www.cap-lmu.de/>, <https://www.brookings.edu/>, <https://www.cam.ac.uk/>, <https://www.princeton.edu/>, <https://www.sciencespo.fr/>, <https://www.unibe.ch/>, <http://gwu.edu/>, <https://www.uni-heidelberg.de/en>, <https://www.universityofcalifornia.edu/>, <https://www.fraserinstitute.org/>, <https://eusp.org/m-center/about>, www.tsinghua.edu.cn, <http://inion.ru/>, <https://www.hse.ru/>, <https://www.kaznu.kz/ru>, <http://www.hsfk.de>, <https://www.chifley.org.au>, <https://www.asli.com.my>, <https://www.neweurope.eu/>, <https://www.ispionline.it/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Institute (AQSH), Brookings Institution (AQSH), Princeton University (AQSH), University of Cambridge (Buyuk Britaniya), Fraser Institute (Kanada), The national institute for research Advancement (Yaponiya), Shalem Centre (Isroil), Tsinghua University (XHP), Олий иқтисодиёт мактаби (RF), Модернизация тадқиқотлари маркази (RF), Ижтимоий фанлар илмий ахборот институти (RF), Қозоғистон миллий университети томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Модернизация жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда трансформацион жараёнлардаги иштирокига оид тадқиқотлар натижасида жумладан, кўйидаги илмий натижалар олинган: жамиятнинг тарихий, ижтимоий, демографик, маданий омиллар таъсирида трансформациялашуви таъсирида модернизация жараёнининг ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга бўлиб бориши асослаб берилган (Колумбия университети, AQSH, The European University Institute, Италия); модернизация жараёнининг самарали боришида миллий менталитет, анъаналарга таянувчи миллий компонент муҳим ўрин тутиши илмий асосланган (Harvard University, AQSH, The Hebrew university, Isroil, The national institute for research Advancement, Yaponiya); давлатларнинг комплекс ёки қисман модернизация йўлини танлаши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий асослари, сиёсий институтлар, аҳолининг ислохотларга тайёргарлик даражасидан келиб чиқиши очиб берилган (Олий иқтисодиёт мактаби, Россия, Northwestern University, AQSH, Fraser Institute, Канада); модернизация жараёнларида сиёсий партиялар электорал манфаатлар уйғунлигига асосланган долзарб бирлаштирувчи, мақсадга йўналтирувчи ғоявий платформалар яратувчи ўзига хос институционал феномен бўлиб хизмат қилиши асослаб берилган (Ruprecht-Karls-Universität Heidelberg, Германия, Institut d'études politiques de Paris, Франция); жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни ва партиялараро рақобат моҳияти сиёсий модернизация натижасида шаклланган демократия моделлари (элитистик, концессуал, “Вестминстер модели”)га боғлиқлиги асосланган (Universiteit Leiden, Голландия, The European University Institute, Италия, МДХМИ, Россия).

Модернизация жараёнларининг конституциявий-ҳуқуқий, ғоявий-сиёсий, информацион-коммуникатив асосларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштирокини янада такомиллаштириш борасида, жумладан, кўйидаги: жамиятнинг гомогенлашуви ҳамда сиёсий прагматизмнинг кучайиши шароитида шаклланаётган янги – “catch-all party” ва “the niche party” туридаги партияларнинг партиявий тизимдаги ўрнини аниқлаш; демократик сиёсий жараённинг муҳим элементи сифатида партиялараро рақобатнинг институционал-функционал ҳамда ташкилий-технологик йўналишларини жорий этиш; посттрансформацион тараққиёт парадигмаларини белгилаб олишда сиёсий партияларни “ғоявий инкубаторлар” сифатида бирлаштириш, йўналтириш, тақсимлаш ва назорат функцияларининг ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш; сиёсий партияларнинг бошқарув элитасини рекрутация қилишдаги ўрнини

ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, давлатнинг марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида “smart management” сиёсий технологияларини жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавжуд манба ва адабиётлар таҳлили сиёсий партиялар феноменини, унинг турли жиҳатларини тадқиқ қилиш бўйича бой материаллар тўпланганлигини кўрсатади. Партиялар тўғрисидаги илк маълумотларни қадимги давр мутафаккирлари – Аристотель, Аппиан, Плутарх ва бошқалар асарларида кўриш мумкин. Аксарият ҳолларда улар бу термин орқали жамиятдаги бир-бирига қарама-қарши турувчи гуруҳларни ифодалашга ҳаракат қилишган.

Кейинги юз йилликларда бу соҳани тадқиқ қилиш, хусусан, сиёсий партияларни ўрганишнинг назарий ва методологик асосларини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшган олимлар қаторида Н.Макиавелли, Т.Гоббс, Ф.Гизо, Ж.Локк, М.Вебер, К.Маркс, Р.Михельс, М.Дюверже ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Сиёсий партияларни ўрганиш XX аср давомида, шунингдек, XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида янги даражага чиқди. Англо-саксон, француз, немис, рус мактаблари шаклланди. Бу даврда модернизация жараёнларида сиёсий партияларнинг иштирокига доир ҳам тизимли тадқиқотлар амалга оширилганлигини айтиб ўтиш лозим. Бу борада И.Бадж, Х.Кеман, С.Хаг, Х.Портелли, К. Стром каби қатор олимларнинг ишларини қайд этиш мумкин.

Собиқ бир партиялилик тизими барҳам топиши, МДХ қарор топиши билан ушбу давлатларда, шу жумладан, Марказий Осиё давлатларида шакллана бошлаган кўппартиявийлик шароитида сиёсий партияларни ўрганишга бўлган қизиқиш кучайиб борди. Бугунги кунда постсовет давлатларининг қарийб барчасида дунё тажрибаси, қолаверса, ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда партология бўйича тадқиқотларни амалга оширувчи тадқиқотчилар етишиб чиқди. Улар қаторида МДХнинг турли давлатларида фаолият юритаётган олимлардан В.Н.Абрамов, С.А.Авакьян, Т.А.Анчуткина, В.А.Гельман, Г.В.Голосов, С.Е.Заславский, В.Н.Краснов, В.В.Лапаева, С.В.Посудин, В.Е.Чиркин, М.Лаумулин, Б.Машан, Г.Искакова, Э.Ногойбаева, А.Турдикулов, Д.Видрин, С.Дацюк ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин³.

Кейинги асрларда сиёсатшуносликнинг муҳим йўналишларидан бири модернизация назарияси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Модернизация назариясининг асосчилари М.Вебер, Э.Дюркгейм, О.Конт, Ф.Теннислар ҳисобланади. Модернизация, хусусан, сиёсий модернизациянинг умумназарий ва методологик асослари Д.Истон, Р.Мертон, Т.Парсонс, Ю.Хабермас, Л.Пай, Д.Растоу, Д.Бэлл, С.Хантингтон, Ш.Эйзенштадт ва бошқалар томонидан ўрганилган⁴.

³Диссертацияда ушбу муаллифларнинг тадқиқотларидан унумли фойдаланилган.

⁴Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

Ушбу муаммони кейинги ўн йилликларда ўрганаётган олимлар орасида П.Д.Бьюкенен, У.Бек, П.Штомпка, З.Бауман, Р.Инглхардт, К.Вельцель, А.С.Панарин, А.И.Уткин, В.Г.Федотоваларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимиз сиёсатшунослигида кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши, унинг давлат ва жамият бошқаруви тизимидаги ўзига мос ўринга эга бўла бориши масалаларини таҳлил қилишга эътибор қаратилмоқда. Сиёсий партияларнинг сиёсий институтлар орасида тутган ўрни, унинг мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий фаолликни оширишдаги ролига оид масалалар ислохотларнинг янги палласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан доимий эътибор марказида турувчи масалалар қаторида бўлиб қолмоқда⁵.

Мамлакатимиз давлат мустақиллигини кўлга киритган дастлабки ўн йилликларида фуқаролик жамияти, хусусан, сиёсий партияларнинг ривожланиб бориши Р.Жумаев, С.Жураев, Н.Жураев, Э.Халилов, А.Саидов, Ш.И.Пахрутдинов, Қ.Назаров, З.Исломов, Б.Исмаилов, М.Қирғизбоев, А.Муминов, Ф.Бакаева, М.Усмонов, И.Коренев, Ш.Файзиев ва бошқалар тадқиқотларида ўз аксини топди. Кейинги ўн йилликларда соҳага бир қатор янги тадқиқотчилар кириб келганлигини кўриш мумкин⁶.

Мавзуга оид айрим масалалар бу ишларда ўз аксини топган бўлса-да, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда модернизацион жараёнларнинг муҳим акторлари бўлмиш сиёсий партияларнинг иштирокини тўлақонли таҳлил қилиб берувчи илмий иш мавжуд эмас. Қолаверса, ушбу тадқиқотларнинг аксарияти асосан 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, “Янги Ўзбекистон” шиори остида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги даврини қамраб олмайди. Буларнинг барчаси илмий иш учун танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетида амалга оширилган ПЗ-2017093070 «Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг бугунги кун талабларига мос келадиган моделларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий грант доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сиёсий партияларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлардаги иштирокини комплекс тарзда тадқиқ этиш орқали бу борада мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимига ҳамда модернизация жараёнида сиёсий партияларнинг иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- модернизация, хусусан, сиёсий модернизация жараёнларига оид назарий ёндашувлар, илмий мактаблар қарашларини таҳлил қилиш;

⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// <https://www.prezident.uz/uz/lists/view/3324>; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқи// электрон русурс: <https://www.prezident.uz/uz/lists/view/3303>.

⁶Қайд этилган олимларнинг асарлари тадқиқотда таҳлилга тортилган.

- партогенезга оид назарий қарашларни, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнига оид дунё фанида юзага келаётган янги ёндашувларни умумлаштирган ҳолда таҳлил қилиш;

- Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотларни модернизацион назария нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

- модернизацион жараёнларда мамлакат сиёсий ҳаётининг муҳим акторлари ҳисобланган сиёсий партияларнинг ўрнини аниқлаш;

- сиёсий партияларнинг модернизацион ўзгаришлар жараёнида аҳоли қатламлари интилишларини акс эттириш борасидаги ёндашувлари, бунда қўлланаётган услубларни таҳлил қилиш;

- сиёсий партияларнинг амалга оширилаётган ислохотларда аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирувчи агрегаторлар сифатидаги родини таҳлил қилиш, ушбу вазифани амалга оширишда юзага келаётган камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти давлат ва жамият бирлигини тақозо этишини ҳисобга олган ҳолда ушбу бирликни таъминлашда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада таклифларни илгари суриш;

- Ўзбекистондаги янгиланишлар жараёнларининг мамлакатда мавжуд кўппартиявийлик тизимига таъсирини таҳлил қилиш;

- дунё давлатларида сиёсий партияларнинг модернизацион жараёнлардаги иштироки билан боғлиқ халқаро тажрибани тарихий-политологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, шу асосда мавжуд тажрибадан Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизацион жараёнларда сиёсий партиялар иштирокининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва сиёсий дахлдорлик омиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар, модернизация жараёнларида сиёсий партияларнинг иштироки ҳамда ислохотларда ташаббускорлигининг ўзаро уйғунлашуви омилларини қамраб олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий таҳлил, моделлаштириш, тарихийлик, объективлик, тизимли ёндашув ва социологик сўров каби илмий билиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- “сиёсий партия - электорат”, “сиёсий партия - давлат бошқаруви органлари”, “сиёсий партия - фуқаролик жамияти институтлари”нинг ўзаро боғлиқлиги маҳсули сифатида сиёсий партиялар модернизация жараёнининг йўналтирувчилик, коммуникаторлик, бирлаштирувчилик функцияларини амалга оширувчи муҳим субъектига айланиши очиб берилган;

- тараққийёт стратегияси доирасида “инсон-жамият-давлат” тамойилининг устувор қилиб қўйилганлиги сиёсий партиялардан ўз дастурларида, аҳоли манфаатларини интеграциялаш, тизимлаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган агрегация ва артикуляция тизимида мос равишда трансформациялашувни амалга ошириши зарурати асосланган;

- парламентдаги партия фракцияларига “қонун ташаббускорлиги субъекти” мақомининг берилиши сиёсий партияларни модернизацион жараёнларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришдаги иштироки, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сон ва сифат жиҳатидан ўсишига муҳим асос бўлиши исботлаб берилган;

- халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятини регламентловчи қонунчилик асосини ишлаб чиқиш партия гуруҳлари, доимий комиссиялар фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг сессия кун тартибига масалалар киритиш, сессия ишини ташкил этишдаги иштироки билан боғлиқ ваколатларини амалга оширишни қонун даражасидаги сиёсий-ҳуқуқий механизмини яратиши асосланган;

- модернизация жараёнида аҳоли манфаатлари, эҳтиёжлари ва талабларининг ортиши ҳамда ўзгариб бориши таъсирида партогенез динамикасида рўй берадиган модификацион ўзгаришлар центристик (марказ), экологик йўналишдаги сиёсий партияларнинг шаклланиши мисолида очиб берилган;

- сиёсий партиялар тизимида электоратни қийнаётган муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалалар юзасидан доимий асосда ўрганишлар олиб борувчи, уларни ҳал қилиш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқувчи “ақл фабрикалари” (“think tanks”)ни шакллантириш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жамиятда амалга оширилаётган модернизация жараёнларида сиёсий партиялар иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Ривожланиб бораётган жамият талабларига, аҳоли сўровига мос равишда иш ташкил қилиш учун сиёсий партиялар ўз ички партиявий ҳаётида такомиллаштиришлари лозим бўлган йўналишлар бўйича дунё тажрибасидан келиб чиқилган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон қонунчилигига парламент кўпчилиги ва парламент муҳолифати институтларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни кўзда тутувчи қўшимчаларни киритиш борасида тавсиялар илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан модернизация назарияси ҳамда партологияга доир илмий-

назарий билимларни бойитишда, сиёсий партиялар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизацион жараёнларда сиёсий партияларнинг иштироки самарадорлигини оширишга доир услубий ёндашувларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий таълим муассаларида “Сиёсатшунослик” фанини ўқитишда, сиёсий партияларнинг жойларда амалга оширадиган тарғибот ишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизацион жараёнлар ҳамда ушбу жараёнларда сиёсий партияларнинг иштироки юзасидан олинган илмий натижалар:

“Сиёсий партия – электорат”, “сиёсий партия – давлат бошқаруви органлари”, “сиёсий партия – фуқаролик жамияти институтлари” тизимидаги ўзгаришлар натижасида сиёсий партиялар модернизация жараёнининг йўналтирувчилик, коммуникаторлик, бирлаштирувчилик функцияларини амалга оширувчи муҳим субъектига айланиши билан боғлиқ хулосалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва ЎзННТМА фаолиятида фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2021 йил 20 апрелдаги №05/1-01-74-сон ва ЎзННТМAnинг 2021 йил 12 январдаги 04-05/162-21-сон маълумотномалари). Натижада, диссертацияда илгари сурилган хулосалар қўмита томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Давлат-хусусий ҳамкорлиги тўғрисида”ги қонунларни тайёрлашда, ЎзННТМAnинг 2021 йилга мўлжалланган дастурининг давлат ва ННТлар ҳамкорлигига бағишланган қисмида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган.

Жамиятни модернизациялашнинг ҳозирги босқичида “инсон-жамият-давлат” тамойилининг устувор қилиб қўйилганлиги сиёсий партиялардан ўз дастурларида, аҳоли манфаатларини интеграциялаш, тизимлаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган агрегация ва артикуляция тизимида мос равишда трансформациялашувни зарурат қилиб қўйиши борасидаги илмий хулосалар Халқ демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури ҳамда Ўзбекистон Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил учун ишлаб чиқилган иш дастурининг “1.1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси”нинг мазмун-моҳияти ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан аҳолининг барча қатламлари орасида тарғибот” бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (ХДП МКнинг 2021 йил 18 январдаги №2-16-сон ва Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 14 январдаги 02/07-32-сон маълумотномалари). Натижада, ХДП Сайловолди дастуридаги ғояларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишга, Марказ томонидан

юқорида кўрсатилган дастур йўналишини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Сиёсий партиялар томонидан аҳолининг сиёсий жараёнларда фаол иштироки ва ижтимоийлашувини таъминлаш, ҳудудий вакиллик органларида партия гуруҳлари, доимий комиссиялар фаолиятини ташкил қилиш, сессия кун тартибига масалалар киритиш, қарор лойиҳаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятини регламентловчи қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати борасида илгари сурилган таклифлар “Адолат” СДП ва Омбудсман фаолиятида фойдаланилмоқда. (“Адолат” СДП Сиёсий кенгашининг 2021 йил 15 январдаги №01-04/18-сон ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2021 йил 15 январдаги №01-07/24 сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклифлар “Адолат” СДПнинг 2021 йилга мўлжалланган иш режасини ишлаб чиқишда, Омбудсман фаолиятида “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида кўзда тутилган Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссияси олдида турган асосий вазифаларини шакллантиришда, бу ишга сиёсий партиялардан сайланган маҳаллий кенгаш депутатларини жалб қилишда фойдаланилган.

Сиёсий партиялар тизимида электоратни қийнаётган муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалалар юзасидан тизимли ўрганишлар олиб боровчи, уларни ҳал қилиш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқувчи “ақл фабрикалари” (“think tanks”)ни шакллантириш заруратини асословчи хулосалар ХДП таркибида аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштиришда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 ва 2021 йилларга мўлжалланган дастурларида кўзда тутилган ва 2018-2021 йилларда амалга оширилган ишлар якунига бағишланган ҳисоботида ўз аксини топган “Илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, инновациялар ва технологиялар трансфери бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш” йўналишида белгиланган лойиҳаларни амалга оширишда (Ўзбекистон ХДП МКнинг 2021 йил 18 январдаги №2-16-сон ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 16 апрелидаги 02-02/2294-сонли маълумотномалари) фойдаланилган. Натижада ХДПнинг аҳоли билан ишлаш тизимига замонавий механизмларни жорий қилишда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илм-фан ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда мавжуд имкониятларни умумлаштириш ва муафаккашлатириш тизимини шакллантиришга қаратилган тизимли ишларни йўлга қўйишда фойдаланилган.

Модернизация жараёнида аҳоли манфаатлари, эҳтиёжлари ва талабларининг ортиши ҳамда ўзгариб бориши таъсирида партогенез динамикасида рўй берадиган модификацион ўзгаришлар, центристик

(марказ), экологик йўналишдаги сиёсий партияларнинг шаклланишига доир илмий хулосалар ЎзЛиДеП томонидан ўз фаолиятида мамлакат сиёсий майдонининг марказ (центристик) платформасига ўтилишида ва партия логотиби ҳамда дастурий ҳужжатларини ушбу ёндашувлардан келиб чиқиб ребрендинг қилишда фойдаланилган (ЎзЛиДеП СКнинг 2021 йил 10 ноябрдаги №01-27/879 сон далолатномаси).

Тадқиқот доирасида илгари сурилган ғоялар ва тавсиялар ЎзЛиДеП тизимида депутатликка номзодларни ўқитишга мўлжалланган методик қўлланма⁷ ва сайлов кампаниясини ғоявий ва ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаш бўйича тавсиялар⁸ сифатида чоп этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 7 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференциядаги маърузаларда баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, уларнинг 12 таси республика, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 240 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, изланиш натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг **“Сиёсий партияларнинг модернизация жараёнларидаги иштирокини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланувчи биринчи боби уч параграфдан иборат бўлиб,

⁷ Якубов Б., Усманов М. ва бошқ. Самарали сайлов технологиялари. Т.: 2014. –55 б.

⁸ Якубов Б., Усманов М. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва вилоят, туман (шаҳар) халқ депутатлари кенгашларига 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайлов кампаниясини ғоявий ва ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаш бўйича тавсиялар. Т., 2014.

модернизация жараёнлари, сиёсий партиялар назариясига доир замонавий ёндашувларнинг шаклланиш тарихи, қолаверса, асосий босқичлари ва унга таъсир қилган омиллар атрофлича ўрганилди, ривожланган давлатлар мисолида сиёсий партияларнинг жамиятларни модернизациялаш жараёнлардаги иштирокининг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Шу билан бирга, асосий эътибор мамлакатимиз фанида ушбу муҳим масалаларни ўрганиш даражаси, илгари сурилган асосий ёндашувлар таҳлиliga қаратилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнларининг модернизацион назария нуқтаи назаридан ўзига хос жиҳатларини аниқлашга ҳаракат қилинди, бу борада муаллиф томонидан янги ёндашув илгари сурилди.

“Модернизация масаласига доир асосий концептуал ёндашувлар” деб номланган биринчи параграфда шу давргача модернизацион назария доирасида ишлаб чиқилган ёндашувларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Турли даврларда модернизация жараёнларига катта таъсир ўтказиб келган “вестернлашув”, “модернизациянинг кўпхиллиги”, “қувиб етувчи модернизация”, “вестернизациясиз модернизация” каби базавий ёндашувларнинг таҳлили М.Леви, Т.Парсонс, У.Ростоу, Д.Лернер, Ш.Эйзенштатларнинг қарашлари таҳлили, қиёсий солиштириш, тарихийлик нуқтаи назаридан баҳолаш каби ёндашувлар асосида ўрганилди.

Масала моҳиятини чуқурроқ англаш ва таҳлил қилиш мақсадида алоҳида минтақалар (Лотин Америкаси, Осиё, Шарқий Европа)даги жараёнлар таҳлили асосида шаклланган бошқа ёндашувлар, хусусан, П.Штомпканинг “ижтимоий модернизация назарияси”, К.Оффенинг “уч томонлама модернизацияси”, У. Бек, Э.Гидденс, С.Лэшларнинг “рефлексив модернизацияси”, Н.Музелиснинг “Модернизациянинг ноевропача концептуаллашуви”, кейинги ўн йилликларда илгари сурилган М.Манн, Ч.Тили, Ф.Фукуяма, Т.Скочпол, Ж.Нейсбит, Х.Макрей, Й.Такеуши, Ту Веймин каби тадқиқотчилар ғоялари таҳлил қилинди.

Диссертацияда таҳлиллар асосида модернизациянинг ҳар бир минтақада ва ҳатто ҳар бир мамлакатда бир-биридан фарқ қилувчи асосларга таянган ҳолда боришини, бу эса ҳар бир жамият модернизация, янгиланиш йўлини танланганда мавжуд халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ўз миллий манфаатлари учун мақбул йўлни танлаши зарур бўлиши очиқ берилди.

Халқаро тажрибага доир бундай таҳлиллар Ўзбекистондаги модернизация жараёнларининг асосларини тушуниб олишга, бу борада маҳаллий муаллифлар илгари сураётган ёндашувлар моҳиятини очишга ҳам имкон беради.

Ўзбекистондаги модернизацион жараёнларга оид ёндашувлар, хусусан, Г.Н.Махмудова ва бошқалар томонидан илгари сурилган Ўзбекистондаги модернизация жараёнларини “қувиб етувчи модернизация” сифатида қараш, ёки Б.Эргашев томонидан илгари сурилган “вестернизациясиз модернизация” сифатидаги қараш ва бошқа ёндашувлар асосида танқидий таҳлил қилинди.

Шу асосда муаллиф томонидан бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизацион жараёнларга ўз ёндашуви илгари сурилди. Муаллиф фикрича, бугун мамлакатдаги янгиланишларнинг мазмун-моҳиятига кўпроқ мос бўлган қараш С.Хантингтон томонидан илгари сурилган ва В.Г.Федотова томонидан ривожлантирилган “модернизациянинг миллий модели” деб номланувчи ёндашувда айниқса тўлароқ ўз аксини топади. Бу ерда миллий деганда этноцентрик ёндашув эмас, балки мамлакат танланган йўлнинг ҳозирги замоннинг асосий геосиёсий бирлиги бўлмиш – миллий давлат манфаатларига мослиги назарда тутилади. Ушбу “модернизациянинг миллий модели” ҳар бир мамлакатнинг модернизация йўли даставвал ўз миллий манфаатлари, интилишларидан келиб чиқиб амалга оширилиши ғоясига таянади. Шу билан бирга у модернизациянинг бошқа моделлари ютуқларини инкор қилмайди, аксинча уларга очиклиги билан ажралиб туради.

Муаллифнинг фикрича, дунё тобора глобаллашаётган, қолаверса, Ўзбекистон ушбу глобал дунёда ўзига муносиб ўринни эгаллашга ҳаракат қилаётган паллада бу мамлакат миллий манфаатларига айниқса мос модернизация модели бўлиши мумкин.

“Сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрнига доир назарий қарашлар генезиси” деб номланувчи иккинчи параграфда сиёсий партияларнинг жамиятдаги муҳим сиёсий институт сифатидаги тадрижий ривожланиши тизимлаштирилган ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Сиёсий партияларнинг вакиллик демократиясининг муҳим институти сифатида ривожланиши билан боғлиқ асосий босқичлар, ушбу босқичларнинг муҳим хусусиятлари очиб берилган.

Айниқса, XX асрнинг ўрталаридан, аниқроғи, иккинчи жаҳон урушидан кейин давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролига бўлган эътиборнинг кескин ўзгариши сабаблари очиб берилди. Бу сабаблар даставвал, иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа давлатларида битта ғоянинг ҳукмрон бўлиб қолиши бошқа муҳолиф фикрларни таг-туғи билан йўқотилишига, оқибатда сиёсий ва иқтисодий тизимнинг издан чиқиб кетишига асос бўлган омиллар вужудга келишига олиб келиши мумкинлиги тушуниб етилганлиги, бу ҳолатга йўл қўймасликнинг муҳим шарти эса айнан фикрлар плюрализми эканлиги, унинг ташкилий асоси реал кўппартиявийлик эканлигини англаш.

Иккинчидан, демократиянинг ривожланишида вакиллик демократиясининг муҳим ўрин тутиши, ўз навбатида вакиллик демократиясининг ҳал қилувчи асоси кўппартиявийлик тизими эканлигини тушуниб етиш билан боғлиқ эди. Ушбу қарашлар партияларни ўрганишда кейинги ўн йилликларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Буларнинг барчаси соҳага ўтган асрнинг иккинчи ярми – янги аср арафасида кўплаб янги ва иқтидорли тадқиқотчилар кириб келишига, мавзуни ўрганишда ихтисослашув даражасининг янада ошиши, муаммони

Ўрганишда тарихийлик ва институционализм баробарида янги – таркибий-функционал ҳамда бихевиористик ёндашувлар асосида ўрганишнинг юқори даражага чиқиши, партиявий тизимларнинг солиштирма таҳлилига асос солиниши (Ж.Сартори, А.Лейпхарт, Г.Алмонд, К.Жанда), партологиянинг кейинги ривожига муҳим туртки берган “ижтимоий конфликт” (Р.Дарендорф), “чегараланиш (кливаж)” назарияси (С.Липсет, С.Роккан) каби бир қатор янги ёндашувлар илмий доираларга киритилишга туртки берди.

Ўтган аср охириги ўн йилликлари ва янги аср бошларида авторитар турдаги режимлардан демократик жамиятларга ўтиш каби сифат ўзгаришларини сиёсий партиялар нуқтаи-назаридан таҳлил қилишга қизиқиш кучайганлигини (Х.Линц, А.Степан, А.Пшеворски) кўриш мумкин. Бу даврда илгари сурилган ва кейинги ўн йилликларда партология йўналишидаги тадқиқотларга катта таъсир кўрсатган ғоялар сифатида О.Киркхмаернинг “умумқамров партиялари”, Р.Катц ва П.Меирларнинг “партияларнинг картеллашуви” назарияларини кўрсатиб ўтиш лозим.

МДХ давлатларида, хусусан, РФ ва Марказий Осиё республикаларида ҳам бу даврда сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни, кўппартиявийлик тизимига ўтишнинг аҳамияти, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларидаги иштирокига бағишланган ишлар амалга оширилган бўлиб, диссертация ишида уларнинг таҳлилига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

Ўзбекистонда бу борада амалга оширилган илмий ишлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон олимлари томонидан сиёсий партияларни ўрганиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили янги илмий маълумотларни фанга киритиш асосида янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этаётганлигини кўрсатади. Айниқса мамлакатда кечаётган чуқур ва кенг қўламли ислохотларда сиёсий жараёнларнинг муҳим актори бўлмиш сиёсий партияларнинг иштироки масаласи ўзининг тадқиқотини кутиб турган масалалардан ҳисобланади.

Параграф доирасида амалга оширилган таҳлиллар сиёсий партияларнинг вакиллик демократияси сиёсий бошқарувининг муҳим элементига айланган даврлардан бошлаб жамиятлар тараққиётига катта таъсир кўрсатиб келаётганлигини, айниқса, янгиланиш палласида турган мамлакатларда бу таъсир ниҳоятда аҳамиятли бўлганини кўрсатади. Ўз навбатида жамият тараққиёти сиёсий партияларнинг ҳам ташкилий, ҳам мафкуравий тараққиётига таъсир этиб келганлигини кўриш мумкин.

“Модернизацион жараёнларда сиёсий партияларнинг иштирокига доир халқаро амалиёт таҳлили” деб номланувчи учинчи параграфда сиёсий партияларнинг модернизация жараёнларида, янгиланишлар жараёнларидаги иштироки ривожланган давлатлар мисолида таҳлил қилинади. Бундан кўзланган мақсад жамиятдаги модернизация жараёнларида сиёсий партияларнинг иштироки нимадан иборатлиги, ушбу иштирокнинг ижобий ва салбий жиҳатларини халқаро тажрибага асосланган ҳолда ўрганишдан иборат. Чунки, ҳозирда шундай янгиланиш жараёнларини бошидан

кечираётган Ўзбекистон учун мавжуд тажрибалар таҳлили нафақат назарий, балки амалий аҳамият касб этади.

Халқаро тажриба Буюк Британия, Германия ва Франция мисолларида ўрганилди. Амалга оширилган таҳлиллар бир қатор муҳим хулосаларни чиқаришга асос бўла олади. Хусусан, Буюк Британия сиёсий партияларининг жамият ҳаётига, модернизацион жараёнларига таъсирини ўрганиш ушбу давлатда сиёсий партияларнинг давлатга, унинг ривожланишига таъсири мамлакат сиёсий маданиятининг ажралмас қисмига айланиб улгурганлигини кўрсатади. Сайловларда партиялар дастурларига овоз берар экан, аҳоли мамлакатнинг кейинги ривожланиш йўналишлари қайси йўлдан боришини ўзи белгилайди ва ютиб чиққан партияга ўз дастурларини амалга оширишга имкон беради. Парламентда ҳукумат тепасидаги партияга нисбатан кучли мухолифатнинг мавжудлиги ҳукуматнинг ҳар бир хатти-ҳаракати юзасидан ҳисобдорлигини, унинг фаолияти очик ва ошқоралигини таъминлайди.

Германиялик тадқиқочилар томонидан ГФР биринчи немис партиявий давлати (Parteistaat) деб атала бошланганлиги бежиз эмас. Бу давлат сиёсатини белгилашда, ундаги модернизацион жараёнлар векторларини аниқлашда айнан сиёсий партиялар муҳим роль ўйнашининг далолатидир. Германия сиёсий бошқарувига хос ушбу йўл мамлакатни иккинчи жаҳон урушидан кейин юзага келган мушкул иқтисодий аҳволдан қутқаришга, кейинчалик Европанинг етакчи давлатларидан бирига айланишига асос яратди. Масаланинг Франция мисолида XIX асрдан бошлаб амалга оширилган таҳлили хулосалар чиқариб олишни тақозо этадиган бир қатор салбий жиҳатларни ҳам очиб беради. Хусусан, сиёсий партияларнинг ҳаддан зиёд кўп бўлиши, сиёсий кучларнинг кескин фрагментарлашуви нафақат парламент фаолиятини қийинлаштириши, балки ҳукуматнинг ҳам самарали ишлаши учун тўсикқа айланиши мумкинлигини кўрсатди. Қолаверса парламент ваколатларининг ҳаддан зиёд кенгайтирилиб, бу иш ҳокимиятнинг бошқа тизимларини кучсизлантириш ҳисобига амалга оширилиши мамлакатда демократик бошқарувнинг издан чиқишига олиб келишини кўрсатди. Франциядаги учинчи ва тўртинчи республикаларида юзага келган инқирозий вазиятлар мана шундай сиёсатнинг натижаси бўлди.

Албатта, Европа сиёсий партияларининг давлатни модернизация қилишдаги иштироки таҳлилидан келиб чиқувчи хулосалар Ўзбекистондаги ривожланиш палласида бўлган сиёсий партияларнинг ислохотлардаги иштироки самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётини моденизациялаш тенденциялари”** деб номланиб, 3 параграфдан ташкил топган ушбу бобда Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб амалга оширила бошланган ислохотларнинг мақсади ва асосий йўналишлари, кенг қамровли моҳият касб этган янгиланиш жараёнларида сиёсий ислохотларнинг ўрни, янгиланиш жараёнларида давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги масалалари таҳлил қилинади.

“Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар стратегиясининг мақсади, вазифалари ва ўзига хос жиҳатлари” деб номланувчи биринчи параграфда мамлакатда “Янги Ўзбекистон” шиори остида амалга оширила бошланган янги ислохотлар стратегияси мақсад ва вазифалари таҳлил қилинди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг янги тараққиёт давридаги ривожланиш стратегиясини белгилаб берган бош ҳужжат бўлди. Ушбу стратегия норматив-ҳуқуқий мақомга эга амалдаги миллий дастурлардан мутлақо фарқ қилади. Мавжуд миллий дастурлар асосан бирор аниқ соҳани ривожлантириш мақсадида қабул қилинган бўлса, Ҳаракатлар стратегияси бутун жамият кесимида, унинг ҳар бир соҳасида амалга ошириладиган аниқ вазифаларни ўзида мужассам этувчи стратегик ҳужжатдир ва бундай ҳужжат илгари мавжуд эмас эди. Қолаверса, Ҳаракатлар стратегияси умумхалқ муҳокамасидан ўтган ҳужжат бўлиб, унга тааллуқли масалаларда аҳолининг барча қатламлари ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясининг илгари қабул қилинган турли дастурлар ва концепциялардан яна бир фарқи, унинг фақат ғоялар, топшириқлар мажмуаси бўлиб қолмасдан, белгиланган ҳар бир вазифани амалга ошириш муддатлари, масъуллари ва ижро механизмларини ўзида қамраб олган “йўл харитаси”га эгаллигидир.

Ушбу стратегияни ишлаб чиқишдан мақсад сифатида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш каби масалалар белгиланди. Ушбу мақсадларга эришиш учун бешта устувор йўналиш белгилаб берилди.

Ўзаро узвий боғлиқ бўлган ушбу йўналишларда ислохотларнинг бир вақтда амалга оширилиши Ўзбекистонда янгиланишларнинг ўзига хос – комплекс характерда ҳаётга жорий қилиш йўли танланганидан далолат беради. Яъни, комплекслилик мамлакатда амалга оширила бошланган туб ислохотларнинг, модернизацион жараёнларнинг фарқловчи асосий хусусиятлардан бири бўлди.

Барча йўналишларда “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойилини рўёбга чиқаришни бош мақсад қилган ҳолда давлат органларининг халқ манфаатлари йўлида ишлашлари самарадорлигини ошириш борасида зарур механизмлар жорий этилаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳаракатлар стратегиясининг таҳлили Ўзбекистонда янгиланишларни комплекс равишда амалга ошириш билан бир қаторда унга асос сифатида ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, либераллаштириш сиёсати танланганлигига алоҳида урғу бериб ўтиш зарур. Чунки айнан ушбу ёндашув

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини, ғоявий асосларини тушунишга имкон беради.

“Сиёсий соҳани ислоҳ қилишнинг умумий модернизацион жараёнлар муваффақиятини таъминлашдаги ўрни” деб номланувчи иккинчи параграфда жамиятда кечаётган янгиланишлар жараёнида сиёсий модернизациянинг тутган алоҳида ўрни очиб берилади. Кенг кўламли модернизацион жараёнларни режалаштирган жамиятлар учун айнан сиёсий модернизация бирламчи аҳамият касб этади, умуммодернизацион жараёнларнинг муваффақиятида сиёсий ўзгаришлар ва хусусан, сиёсий модернизация алоҳида ўрин тутади. Айнан шу туфайли ҳам модернизацион назария шакллана бошлаган илк даврларданок илмий доираларда сиёсий модернизацияга қизиқиш юқори бўлиб келган. Диссертация ишида сиёсий модернизация асосида турган базавий ёндашувлар (С.Липсет, Б.Мур, Г.Алмонд, С.Верба, Л.Пай, Ф.Шмиттер, Ж.Нельсон, Х.Линц, Р.Даль), илмий мактаблар қарашлари таҳлил қилинади. Масалани тўлақонли таҳлил қилиш мақсадида ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида, қолаверса, асримизнинг дастлабки ўн йилликларида илгари сурила бошлаган муқобил ёндашувлар атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, йирик намоёндалари А.Г. Франк, Т.Д. Сантос, С.Фуртадо ва бошқалар бўлган “Қарам ривожланиш назарияси” (dependence theory), С. Эйзенштадт, А.Абдел-Малеклар илгари сурган “Жамиятларнинг ўз кадриятларини сақлаган ҳолда ривожланиши назарияси”, А.Туреннинг “Контрмодернизация” ва “антимодернизация”си, Ж.Бодрийяр, М.Кастельслар ривожлантирган “постмодернизация”, Э.Гидденснинг “Универсаллашган модернизация”си шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли модернизация жараёнларида ҳам сиёсий соҳани ислоҳ қилиш, сиёсий модернизацияга муҳим ўрин берилганлигини кўриш мумкин. Амалга оширилаётган ислохотларнинг “йўл харитаси” бўлмиш Ҳаракатлар стратегиясининг “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланувчи биринчи қисми айнан давлат қурилиши соҳасидаги ислохотларга бағишланганлиги, “Янги Ўзбекистон” шиори остидаги ўзгаришлар амалга оширила бошланган илк босқичдаёқ сиёсий ўзгаришлар мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирган “Маъмурий ислохотлар концепцияси”нинг эълон қилинганлиги айнан шундан далолат беради.

Мамлакат сиёсий ҳаётини ислоҳ қилишда – фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, ҳокимият органлари тизимида вакиллик органлари ўрнини ошириш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш каби устуворликлар бош ғоялар сифатида илгари сурилган бўлиб, буларнинг барчаси Ўзбекистон жамиятни модернизациялаш жараёнларига киришар экан бунда сиёсий модернизацияни амалга оширишда либерал йўналишдан боришини яққол кўрсатиб берди.

“Ислохотларни амалга оширишда давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги – ҳал қилувчи омил сифатида” деб номланувчи учинчи

параграфда модернизацион жараёнларда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар масалалари атрофлича таҳлил қилинади. Давлат – жамият – инсон ўртасидаги муносабатлар масалалари узок ўтмишдан шарқ мутаффакирларининг эътиборини тортган масалалар қаторига кирганлигини Беруний, Ибн Сино, Форобий, Юсуф Хос Хожиб ва кўплаб бошқа мутафаккирлар асарларида кўриш мумкин. Кейинги даврларда ҳам ушбу ўзаро алоқалар масалалари ҳам Шарқ, ҳам Ғарб олимлари қизиқишларининг марказида бўлиб келдики, унинг тадрижий ривожини, асосий босқичларига диссертация ишида алоҳида тўхталиб ўтилади.

Г.Н. Вайнштейн давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларининг учта моделини ажратиб кўрсатади. Биринчиси – улар ўртасидаги қарама-қаршилиқ модели. Унга кўра давлат ёки фуқаролик жамиятидан бирининг кучайиши албатта иккинчисининг кучсизланишига олиб келади ҳамда муносабатларда зиддият мавжудлигини кўрсатади. Иккинчи модель – демократлаштириш модели бўлиб, у томонлар ўртасида компромиссга эришишга бўлган ҳаракат билан ажралиб туради. Лекин, компромисс қарама-қаршилиқни инкор қилиш баробарида яқин ва ишончли муносабатлар мавжудлигини ҳам англамайди, фақатгина муросадан дарак беради. Учинчи модель эса демократик жамиятларга хос бўлган давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида барқарор ҳамкорлик (партнерлик) алоқаларини назарда тутди. Диссертация муаллифи таҳлилларга асосланиб Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб амалга оширилаётган модернизацион жараёнларда юқорида келтирилган моделлардан учинчиси, яъни амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик модели танланганлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. Буни амалга оширилаётган ислохотларда айнан фуқаролик жамиятининг фаол иштирокига алоҳида ўрин ажратилган. Мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган “Жамият – ислохотларнинг ташаббускори” ғояси асосида ҳам ушбу ёндашув турибди. Ислохотлар жараёнида Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорликка асосланган муносабатларни шакллантиришга устувор эътибор қаратила бошланганлигига бизнинг фикримизча қуйидаги омиллар хизмат қилди:

Биринчидан, ислохотларнинг халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётганлиги, бу эса умуман фуқаролик жамиятига муносабатни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилиши.

Иккинчидан, жамиятнинг барча жабҳаларини ислох қилиш борасида қўйилаётган мақсад ва вазифалар уларни амалга оширишда фақат давлатнинг ўз имкониятларига таяниб қолмасдан, жамиятда мавжуд барча кучларни сафарбар этишни зарурият қилиб қўйганлиги. Ушбу зарурият эса давлатнинг фуқаролик жамияти билан яқин ҳамкорликни қўлга қўйишини устувор вазифалар қаторга олиб чиқади.

Учинчидан, маълумки, бугунги Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёни моҳиятан инновацион модернизацияни амалга

оширишни назарда тутати. Тарихнинг олдинги босқичларида амалга оширилган аграр, индустриал модернизациялардан фаркли ўлароқ инновацион модернизация фуқаролик жамияти кучларига кенг таянган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Мана шу омиллар Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичида мақсад қилиб қўйган модернизация жараёнларида айнан фуқаролик жамиятини етакчи куч сифатида эълон қилганлигининг сабабларини кўрсатади. Булар Ўзбекистон учун фуқаролик жамиятини ривожлантириш ислохотларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳаётий эҳтиёж эканлигини исботлайди.

Диссертациянинг **“Сиёсий партиялар мамлакатни ислоҳ қилишнинг муҳим актори сифатида”** деб номланувчи учинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда мамлакатда амалга оширилаётган модернизацион жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда, давлат бошқарувини ислоҳ қилишда, ҳудудлар кесимида ислохотларнинг муваффақиятли ҳаётга тадбиқ қилинишида сиёсий партияларнинг иштироки билан боғлиқ масалалар танқидий таҳлил қилинади.

“Ислохотларнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнида сиёсий партиялар” номли биринчи параграфда сиёсий партияларнинг парламентдаги ўз фракциялари орқали мамлакатда амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки, парламент воситаларидан фойдаланган ҳолда қабул қилинаётган қонунларнинг ижроисини таъминлаш, парламент назоратини амалга ошириш йўналишидаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни албатта аввало унинг ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни талаб қилади. Бу эса сиёсий партияларнинг фракциялари ва умуман парламентдан ўз фаолиятини ушбу янги талаблар даражасида қайта кўриб чиқишини кун тартибига қўяди.

Таҳлиллар ўтган даврда шу йўналишларда бир қатор ишлар амалга оширилганлигини кўрсатади. Парламент қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида зарур тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти ишлаб чиқилди. Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши лозим бўлган қонун ҳужжатларини кўриб чиқиш бўйича «Йўл харитаси» қабул қилинди.

Қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартиби йўлга қўйилди. Натижада қонунларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлашга эришилди.

Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингандан кейин палатанинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолиятида кескин ўзгариш юз берганлигини кўриш мумкин. Масалан, 2019 йилда Қонунчилик палатасининг кўриб чиқишида 177 та қонун лойиҳаси мавжуд бўлган бўлиб, бу кўрсаткич қақриқнинг дастлабки йилларидагига нисбатан деярли 3 бараварга кўп.

Яна бир кўрсаткич – қонун лойиҳаларининг нафақат ҳажми, балки сифати ҳам ошди. Хусусан, 2015 йилда қуйи палатада қабул қилинган қонунларнинг фақат 11 таси алоҳида ва янги таҳрирдаги қонунлар бўлса, қақриқ якунида бу кўрсаткич 35 тани ташкил этиб, 3 мартадан зиёд ошди.

Депутатлар корпуси қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлиги ошди. 2019 йилда депутатлар томонидан Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун 19 та қонун лойиҳаси киритилган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан деярли 3 бараварга ортганлигини кўриш мумкин.

Шу билан бирга ўтган давр мобайнида сиёсий партиялар фракциялари томонидан қонун ташаббусларини киритиш олдинги йилларга нисбатан ошган бўлсада, уларнинг сони палата муҳокамасига киритилаётган умумий қонунлар нисбатида жуда камлигича қолмоқда.

Фракциялар томонидан ўз партиявий дастурларини амалга ошириш борасида парламент воситаларидан фойдаланиш ҳам ҳали талаб даражасидан узоқ. Хусусан, сайловларда иштирок қилиб, Қонунчилик палатасида ўз фракциясини туза олган бирор сиёсий партия ўзи ёки бошқа фракциялар билан ҳамкорликда шу кунгача ўзини парламент кўпчилиги ёки муҳолифати сифатида эълон қилгани йўқ. Буларнинг барчаси сиёсий партиялар ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ишларига фаол киришган бўлса-да, ҳали бу йўналишда ечимини кутаётган масалалар сақланиб қолаётганлигини кўрсатади.

“Мамлакат бошқарув тизимини ислох қилишнинг долзарб масалалари ва ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг тутган ўрни” номли иккинчи параграфда “Янги Ўзбекистон” шиори остида амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлашда бошқарув тизимининг роли ва уни ислох қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни ўрганилади. Ушбу жараёнларда “Маъмурий ислохотлар концепцияси”нинг аҳамияти таҳлил қилинади.

Бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари сиёсий партияларнинг ҳам эътиборида бўлган масалалар қаторига киради. Мамлакат келажагига доир қарашларини ифодалар экан, сиёсий партиялар ўз дастурий ҳужжатларида бошқарув органларини ривожланиши йўналишлари хусусида ҳам ўз қарашларини илгари суришади.

Хусусан, парламент ва вакиллик органлари ролини оширишга сиёсий партиялар дастурларида алоҳида ўрин қаратилганлигини кўриш мумкин. ЎзЛиДеП парламентаризмни ривожлантиришни мамлакатда ҳокимиятлар тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни таъминлаш самарали тизимини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида қараса, МТДП парламентни “Халқ уйи”га айлантириш ғоясини илгари суради. ХДП аҳоли эҳтиёжларига дахлдор масалалар бўйича ижро ҳокимияти томонидан қарор қабул қилишда парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари билан мажбурий маслаҳатлар ўтказиш механизминини жорий этиш ғоясини ёқлайди.

Мамлакатда парламент ва сайлов тизимини такомиллаштириш борасида ЎзЛиДеП сайловларда ғалаба қозонган партия нафақат Бош вазир нозодини, балки парламент куйи палатаси Спикери номзоди, ҳукумат таркибини таклиф этиш лозимлиги, сайловларда пропорционал тизимга ўтиш ғоясини илгари суради. ХДП аҳолининг муҳтож қатламлар ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш мажбурийлигини қонунчиликда мустаҳкамлаш, МТДП парламентнинг ҳукумат фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ваколатларини кенгайтириш, сайловларни мажоритар ва пропорционал сайлов тизимини уйғунлаштирган ҳолда ўтказиш ғояларини илгари суради.

Партия дастурларида ижроия тизими органлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига оид аниқ ёндашувлар ҳам акс этган.

Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини такомиллаштиришга оид илгари сураётган таклифлари бир қатор йўналишларда ҳаётга жорий қилинаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, партиялар томонидан 2019 йилги сайловларда илгари сурилган қатор ғоялар қонунчиликда, мамлакат раҳбарининг фармон ва қарорларида, ҳукумат томонидан қабул қилинаётган норматив ҳужжатларда ўз аксини топди.

Қолаверса, партиялар ғояларини ўзларига Конституция ва қонунчилик билан берилган ваколатларни самарали ишлатиш орқали ҳам ҳаётга татбиқ этиш имкониятларига эга. Депутатларнинг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқига эгаллиги, қолаверса, Конституциянинг 98-моддасига кўра Бош вазир номзоди мамлакат Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши ғолиб партияга ўз сайловолди дастурида илгари сурган ғояларини шаклланаётган ҳукуматнинг дастурида акс этиришга катта имконият беради. Бугунги кунда сиёсий партиялар ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиб келишаётган бўлса-да, мавжуд механизмлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳали охиригача ишга солилмаган имкониятлар мавжуд. Диссертант томонидан ушбу йўналишда бир қатор таклифлар илгари сурилади.

“Ислохотларнинг ҳудудлар даражасида самарали амалга ошишини таъминлашда сиёсий партияларнинг иштироки” деб номланувчи учинчи параграфда Ҳаракатлар стратегияси доирасида белгиланган вазифаларнинг ҳудудлар кесимида амалга ошишида сиёсий партияларнинг иштироки масалалари атрофлича ўрганилади. Маълумки, ҳар қандай ислохотларнинг муваффақияти уларнинг нафақат марказда, балки ҳудудларда бориши билан белгиланади. Ушбу жараёнларда сиёсий партиялар ҳам ўз ўрнига эга. Чунки, аҳолининг сиёсий социаллашуви, уларни ислохотлар туфайли ҳаётга кириб келаётган новацияларга мослашувини таъминлаш, сиёсий билимлари даражасини ошириб боришда ҳудудий ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг муҳим акторлари бўлмиш сиёсий партиялар алоҳида ўрин тутади.

Сиёсий партияларнинг ҳудудлардаги бўлимлари бир томондан республика ташкилотлари амалга ошираётган ишларнинг тегишли вилоятлардаги, шаҳар ва туманларда ижросини таъминласа, иккинчи томондан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги фаолияти орқали маҳаллий ҳокимият тизимини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутувчи субъектлар ҳисобланади.

Сиёсий партияларнинг ҳудудлардаги фаолиятида устувор бўлган йўналишлардан бирини аҳолининг сиёсий билимларини ошириш, шу орқали уларнинг сиёсий социализацияси, жамиятда кечаётган ўзгаришлар жараёнига дахлдорлигини кучайтириш масалалари ташкил этади. Бу фаолият нафақат ўз ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб этишга, балки ислоҳотлар моҳиятини тушунтиришга ҳам хизмат қилади. Чунки фақат ушбу воситалар ислоҳотлар мақсадлари атрофида одамларни бирлаштириши мумкин, бу эса ўз навбатида ислоҳотларнинг муваффақиятли боришида катта аҳамиятга эга.

Сиёсий партияларнинг ҳудудларда аҳоли қатламлари орасида ўз ишини муваффақиятли ташкил қилишда бошланғич партия ташкилотлари алоҳида ўрин тутаяди. Айнан мана шу тузилма Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар учун аҳоли билан бевосита иш олиб боришда бош ўринни тутиши билан характерланади. Диссертация ишида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги ўзгаришлар, янгича ёндашувлар, бунинг партиялар томонидан ҳудудларда, аҳоли орасида олиб бораётган фаолиятга таъсири масалалари ҳам таҳлил қилинади.

Кейинги йилларда партиялар томонидан аҳоли қатламлари орасида манзилли ишлашга бўлган ҳаракат туфайли лойиҳавий асосда фаолият юритишнинг йўлга қўйилаётганлигига эътибор қаратилади, ёшлар, аёллар орасида амалга оширилаётган партиявий лойиҳалар мисолида очиб берилади.

Сиёсий партияларнинг ҳудудларда амалга ошираётган кенг кўламли ишлари тарғибот тадбирлари, мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш билан бир қаторда уларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари орқали амалга ошираётган фаолиятида акс этади. Мазкур параграфда ушбу йўналишдаги фаолият ҳам таҳлил қилинган.

Таҳлиллар асосида партияларнинг ҳудудларда амалга ошираётган фаолияти, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлган таклифлар, шу жумладан, мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш борасида таклифлар илгари сурилади.

Диссертациянинг **“Модернизация жараёнларида сиёсий партияларнинг трансформациялашиш омиллари”** деб номланувчи **тўртинчи боби** мамлакатдаги тизимли ўзгаришлар натижасида кўппартиявийлик тизимининг тараққий этиб бориши, янгиланишлар шароитида сиёсий партияларнинг ўзида талаб этилаётган ички ўзгаришлар жараёнлари, модернизация жараёнларида сиёсий партиялар томонидан аҳоли

қатламлари хоҳиш-истакларининг акс эттирилиши ҳолати ва йўллари таҳлилига бағишланади.

“Кўппартиявийлик тизимининг такомиллашиб бориши ва янги босқич хусусиятлари” деб номланган биринчи параграфда мамлакатда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тадқиқ этилади. Турли қатлам ва табақалардан ташкил топувчи демократик жамиятда уларнинг сиёсий бошқарув жараёнида фикр ва қарашларини инобатга олинганини таъминлашда кўппартиявийлик алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, мамлакат танлаган демократик тараққиёт йўли айнан кўппартиявийлик тамойилини зарур қилиб қўяди. Шу туфайли Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки даврданоқ мамлакатда кўппартиявийлик асосларини шакллантириш ва кейинчалик тобора ривожлантириб боришга катта эътибор қаратилган. Масалага доир мавжуд манбаларни таҳлил қилиш асосида муаллиф Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими ривождаги бир қанча босқичларни ажратиш таклифини киритади. Бунда ҳар бир босқичнинг мамлакатда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришдаги аҳамияти, ўзига хос хусусиятларини тавсифлаган ҳолда, уларнинг кейинги босқичлар учун таянч бўлганлигини асослайди.

Ўзбекистон тараққиётининг “Янги Ўзбекистон” номи билан машҳур бўлган ҳозирги босқичида кўппартиявийликни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган муҳим ишлар олдинги босқичларда бу борада қўйилган қадамлар ҳамда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг етуклик даражасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётганлиги асосланади.

Мустақилликнинг илк давридан то ҳозиргача кўппартиявийлик тизими Ўзбекистонда бир нечта муҳим босқичларни босиб ўтганлиги ва мамлакатда демократик бошқарув тизими тараққиётида ўзининг муҳим вазифасини бажариб келганлиги ва келаётганлиги борасида хулосалар қилинади.

“Янгиланаётган Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятини ислохотлар талабларига мослаш (ребрендинг) масалалари” деб номланувчи иккинчи параграфда эътибор ислохотлар сиёсий партиялар фаолиятини янги талаблар даражасига олиб чиқишни зарурат қилиб қўяётган бир паллада ушбу сиёсий институтларда талаб этилаётган ички трансформация масалаларига қаратилади.

Сиёсий партияларнинг амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланиши учун фақатгина жамиятда объектив шарт-шароитлар бўлишининг ўзи етарли эмас, бунинг учун сиёсий партияларнинг ўзида, уларнинг ичида замонавий талабларга мос ўзгаришлар амалга ошириш талаб этилади.

Жаҳон сиёсий партиялари тажрибаси жамиятда ўзгаришлар юз бераётган жараёнларда сиёсий саҳнада ўз ўрнини сақлаб қолишга ҳаракат қилувчи сиёсий партиялар ўз ички партиявий тузилмалари ва имкониятларини қайта кўриб чиқиб, ушбу жараёнларга мос фаолият юритишга ҳаракат қилишга интиланликларини кўриш мумкин. Хусусан, ХХ

аср охири – XXI аср бошларида Буюк Британия Консерватив партияси ҳамда АҚШ демократик партияси томонидан амалга оширилган ички ребрендинг жараёнлари, XXI асрнинг 10-йилларида “Единая Россия” томонидан амалга оширилган “янгилаштириш” жараёнлари, 2018 йилдан Қозоғистоннинг етакчи сиёсий кучи “Нуротан” томонидан амалга оширила бошланган партияни “қайта форматлаш” жараёнлари асосини ташкил қилган муҳим йўналишларидан бири уларда мавжуд ички имкониятларни янги талаблар даражасига олиб чиқишдан иборат бўлди.

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни миллий сиёсий партиялардан фаолиятларининг барча жабҳаларида ишларини қайта кўриб чиқишни, мамлакатдаги сиёсий жараёнларнинг муҳим актори сифатида институционал ривожланишни кун тартибига қўйди. Айтиш мумкинки, бундай ўзгаришлар партиялар ва уларнинг фракциялари фаолиятида юз бермоқда.

Айниқса, 2019 йил сайловларида партияларнинг иштироки, улар томонидан илгари кузатилмаган янгича иш услубларининг қўлланилиши бундан далолат беради. Сайловлардан кейин ўтган ниҳоятда қисқа даврда юз берган ва ҳозирда кузатишимиз мумкин бўлган ўзгаришлар динамикаси яқин келажакда партиялар фаолиятида янада янги ўзгаришларга туртки бериши мумкинлигини прогноз қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Чунки, фуқароларнинг ҳуқуқий онг даражаси ҳамда сиёсий фаоллиги, қолаверса жамиятнинг фаровонлик даражаси ошиб бориши билан жамиятда сиёсий плюрализмнинг янада кенгайиб бориши тарафдори бўлган, сиёсий партиялардан янада фаолроқ бўлишни талаб қилувчи ва улар орқали давлат бошқарувида иштирок этиш борасида ўз конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш истагида бўлган аҳоли қатламлари сафи кенгайиб бораверади. Бу эса сиёсий партияларни ўз фаолиятида янада фаол бўлишга ундовчи омиллар кучая боришидан далолат беради. Дунё тажрибаси ҳам айнан жамиятда ўзига тўқ ўрта қатлам вакиллари улуши оша борган жамиятлар демократик ўзгаришлар томон тезроқ боришидан далолат беради. Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар қолаверса илгари мисли кўрилмаган сўз эркинлиги мамлакатимизда ҳам ушбу қатламнинг ривожланишига муҳим туртки берганлигини ва яқин келажакда ўрта қатлам вакиллари улуши аҳоли қатлами таркибида ўсишига етарлича асос яратилаётганлигидан далолат беради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ушбу параграфда диссертант томонидан сиёсий партиялар фаолиятида такомиллаштириш зарур бўлган бир қатор йўналишлар, фаолият турларига тўхталиб ўтилади, ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар таҳлил қилинади.

Диссертациянинг “Аҳоли интилишларини партия дастурларида акс эттиришда янгича ёндашувларни жорий этиш йўналишлари” деб номланувчи учинчи параграфда сиёсий партиялар томонидан аҳоли қатламлари манфаатларининг агрегацияси, ислохотларда аҳоли

манфаатларини ифода қилиш даражаси, бунда қўлланиладиган партиявий воситалар таҳлил қилинади.

Ўзбекистон ислохотларни амалга ошириш жараёнида модернизация сиёсатидан кутилган натижаларга эришиши, бу йўлда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги амалга оширилаётган ўзгаришларнинг аҳоли турли қатламлари томонидан кенг қўллаб-қувватланишига боғлиқ. Ўз навбатида аҳолининг ислохотларни қўллаб-қувватлаш даражаси улар амалга оширилаётган ўзгаришларда ўзларини ўйлантираётган муаммоларнинг қанчалик акс этганлигига бевосита боғлиқлигини ҳам унутмаслик керак.

Жамият тараққиётининг мана шундай паллаларида сиёсий партияларнинг фуқаролар хоҳиш-иродасини агрегация қилиш, уларни қарорлар қабул қилувчи марказларга етказиш, ўз издошларини жамият келажигига дахлдор масалаларни ҳал қилишга йўналтира олиш функциялари биринчи планга чиқади. Ушбу параграфда сиёсий партиялар томонидан ўзлари манфаатларини ҳимоя қилаётган ижтимоий қатлам манфаатларини ифодалашда партия дастур ва сайловолди платформалари таҳлил қилинади. Юқорида кўзда тутилган функцияларини бажаришда қўлланиладиган бошқа воситалари ўрганилади.

Ўз ижтимоий қатлами манфаатларини дастурларда тўлароқ акс эттиришга интилиш уларнинг мавжуд жараёнларга эндиликда фақат ўзининг “ўнг” ёки “сўл”лиги каби соф назарий нуқтаи-назаридан ёндашиш билан чекланиб қолмасдан, жамият илгари сураётган долзарб масалаларни очик кўтариб, улар юзасидан аниқ ёндашувларни илгари суришга, ушбу ёндашувларнинг бошқа партиялар ёндашувларидан потенциал фарқларини яққолроқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилаётганликларини кўриш мумкин. Диссертацияда бу фикрни асословчи солиштирма таҳлиллар келтирилади. Муҳими шундай ўзгаришлар дунё партиялари дастурларига ҳам хос бўлиб, бу ҳолат асосий партиявий масалаларга концептуал ёндашувларда дунё амалиётига хос трендлар Ўзбекистондаги сиёсий партияларни ҳам четлаб ўтмаганлигини кўрсатади.

Сиёсий партияларга хос бўлган яна бир муҳим функция, жамият учун муҳим бўлган масалалар атрофида ўз электоратини бирлаштиришдир. Бевосита Ўзбекистонда шундай жараён 2017 йилда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниши билан барча партияларнинг ўз дастурларини қайта кўриб чиқилганлигида акс этган. Ушбу жиҳатлар партиялар сайловолди платформалари асосида таҳлил этилади. Таҳлиллар сайловолди дастурларида партиялар мафкуравий ёндашувлардан кўра кўпроқ аҳолини жалб қилишга қаратилган замонавий сиёсий ҳамда маркетинг технологияларига устуворлик бераётганлигини кўрсатади.

Шунингдек, ушбу ҳужжатлардан сиёсий партияларнинг у ёки бу масалага ёндашувида ҳукуматга яқинлик ёки аксинча, ўзгача платформада турганлигини кўриш, шу асосда потенциал партия кўпчилиги ёки парламент муҳолифати сифатида ҳаракат қилишга тайёрлигини кўриш мумкин. Бу эса

сиёсий партиялар ислохотлар жараёнида ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда фақат ҳукумат томонида туриб эмас, аксинча, унинг айрим қарорларига муқобил ёндашувларни тақдим қилиш каби парламент воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳам ҳаракат қилишга тайёрлигини кўриш мумкин, ваҳоланки мамлакат Конституцияси бунга имконият беради.

Таҳлиллар сиёсий партиялар ўз қатлами манфаатларини акс эттиришда ва ҳимоялашда партиявий догмалар ёки ўз дастурларида билдирилган фикрлар доирасида қолиб кетмасдан, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, одамларни қийнаётган воқеа-ҳодисаларга ўз вақтида реакция қилишга ҳаракат қилаётганлигини ҳам кўрсатади. Хусусан, коронавирус пандемияси шароитида улар томонидан амалга оширилган ишлар зарур паллада ушбу сиёсий институтлар ўз имконияларини жамият учун муҳим бўлган йўналишларга сафарбар этиш имкониятига эгаллигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари ва уларда сиёсий партияларнинг иштироки масалаларининг илмий-назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш, шунингдек, тадқиқот натижалари қуйидаги илмий-амалий хулосалар чиқаришга, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни шакллантиришга имкон бери.

1. Ижтимоий-сиёсий фанларда модернизация назарияси ва унинг доирасида сўнгги йилларда илгари сурилаётган турли ёндашувлар ва қарашларни ўрганиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнларининг модернизация назарияси нуқтаи назаридан таҳлили Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб “Янги Ўзбекистон” шиори остида амалга оширилаётган модернизация жараёнларининг хусусиятларини очиш имконини беради. Унга кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациянинг характери, ўзига хос белгилари, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб назарий жиҳатдан “миллий модернизация” ёндашуви асосида амалга оширилаётган жараён сифатида қараш; жамият ва давлат ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларнинг бирор соҳа ёки йўналиш билан чекланмасдан, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган, комплекс характердаги янгиланишлар жараёни сифатида талқин этиш; мазкур тенденциянинг узоқ муддатли мақсадларига кўра инновацион модернизация эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

2. “Миллий модернизация”нинг назарий устунлиги – у нафақат “қувиб етиш модернизацияси”дан фарқли равишда Ғарб ютуқлари даражасига эришиш йўлида ўз маданият ва миллий кадриятларидан кечишни тарғиб қилмайди, балки “вестернизациясиз модернизация” қарашлари таъсирида дунё тажрибаси, ривожланган давлатлар амалиётидаги ютуқларни ўз миллий мақсадларимиз йўлида ишлатишни чеклаш йўлидан ҳам бормайди. Аксинча, “миллий модернизация” ёндашуви модернизацион жараёнларни мамлакатнинг миллий мақсадларига мос равишда амалга ошириш, бунда бир

томондан миллий маданиятимиз, анъаналаримизда ўз аксини топган катта ресурсдан, иккинчи томондан дунё амалиётида тўпланган бой тажрибадан кенг фойланган ҳолда тараққиёт дастурларини амалга оширишга асос яратади.

3. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси айнан жамият тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, модернизацион жараёнларни янада жадаллаштириш йўналишида бирламчи эътибор қаратилиши керак бўлган қатор устуворликларни белгилаб берганлиги билан алоҳида эътиборга молик. Бунда давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа йўналишларига дунё амалиётини ўрганган ҳолда замонавий ёндашувларни олиб киришга, уларни миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширишга урғу берилаётгани миллий модернизациянинг ўзига хослигини белгиловчи муҳим хусусиятлар сифатида таъкидланади.

4. Таҳлиллар асосида олинган натижалар жамиятни комплекс модернизациялаш мақсадларини ўз олдига қўйган мамлакатлар учун сиёсий модернизацияни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Жаҳон тажрибаси сиёсий ҳаётни модернизация қилмасдан кенг кўламли янгиланишларни муваффақиятли амалга ошириш мумкин эмаслиги борасидаги қарашларни тасдиқлайди. Айнан Ўзбекистондаги ислохотларни характерловчи яна бир хусусият – янгиланишлар билан қамраб олинган йўналишларнинг барчасида ўзгаришлар эркинлаштириш, либераллаштириш платформасига таянган ҳолда амалга оширилаётганлигидир.

5. Ислохотлар бошланиши давриданок Ўзбекистонда мутлақо янги шароитда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган муносабатларни шакллантиришга устувор эътибор қаратилиши даврнинг характерли хусусиятларидан биридир. Булар, биринчидан, амалга оширилиши эълон қилинган ислохотларнинг айнан халқ учун, фуқаролар учун амалга оширилаётганлиги, бу эса умуман фуқаролик жамиятига муносабатни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилиши; иккинчидан, мамлакат олдига жамиятни барча жабҳаларини ислох қилиш борасида қўйилаётган мақсад ва вазифалар уларни амалга оширишда фақат давлатнинг ўз имкониятларига таяниб қолмасдан, жамиятда мавжуд барча кучларни сафарбар этишни зарурият қилиб қўйганлиги; учинчидан, маълумки, бугунги Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёни моҳиятан инновацион модернизацияни амалга оширишни назарда тутди. Тарихнинг олдинги босқичларида амалга оширилган аграр, индустриал модернизациялардан фарқли ўлароқ инновацион модернизация фуқаролик жамияти кучларига кенг таянган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин ва шундагина белгилаган марраларга ета олади.

6. Янги шароитларда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида шаклланаётган муносабатлар илгариги вертикал шаклдаги муносабатлардан,

горизонтал, яъни яқин ва тенг ҳамкорлик муносабатлари асосида қурилишига бўлган ҳаракатга ўтилаётганлиги билан изоҳланади. Бу борада жаҳон тажрибаси жамиятни янгилаш йўлидан борган давлатлар ижтимоий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ошиб борганлиги, лекин уларнинг модернизация жараёнларига таъсири турлича бўлганлиги, бу кўп жиҳатдан давлатларнинг тарихий, ижтимоий, иқтисодий, демографик, мафкуравий, маданий тараққиётидаги фарқлар ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлганлигини кўрсатади.

7. Кўппартиявийлик тизимини шакллантириш жараёнида сиёсий кучларнинг кескин фрагментарлашувига йўл қўйилиши нафақат парламент фаолиятини қийинлаштириши, балки ҳукуматнинг ҳам самарали ишлашига тўсиқ бўлишини кўрсатди. Сиёсий тизимда “ўзаро тийиб туриш ва мувозанат” тамойили нафақат ҳукумат, балки парламентнинг ваколатлари ҳаддан зиёд оширилиб, бу иш ҳокимиятнинг бошқа тизимларини кучсизлантириш ҳисобига амалга оширилса, оқибатда мамлакатда демократик бошқарувнинг кучайишига эмас, аксинча издан чиқишига олиб келишини намойиш этади. Булар ҳар бир давлат партия қурилишида сиёсий ислохотлардан кўзланган мақсад, қолаверса миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ўзи учун оптимал вариантни танлаб олиши муҳимлиги тўғрисидаги хулосага келишга имкон беради.

8. Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнларида сиёсий партиялар иштироки ҳам сифат жиҳатидан ўзгараётгани кўзга ташланади. Ўтган даврлар давомида сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолиятига оид фикрлари асосан давлат раҳбарининг фикрларини қўллаб-қувватлаш тарзида амалга оширилганлиги кузатилган бўлса, 2019 йилги партияларнинг сайловолди дастурларида бу борада бир қатор илғор фикрлар илгари сурилганлигини ва ушбу ғоялар кейинчалик мамлакат раҳбари томонидан маъқулланганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

9. Мамлакатдаги ўзгаришлар шароитида сиёсий партияларнинг ўз дастурий қарашларини шакллантиришда илгариги стереотип, тор мафкуравий ёндашувлардан воз кечиб, жамиятда кечаётган жараёнларга кенг миқёсда қараш ва шунга мос равишда таклифларни илгари суриш даражасига ўтиши, эндиликда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ўртасида фикр алмашув ва ўзаро таъсир янги сифат поғонасига чиқаётганидан ҳам далолат беради. Уларнинг ҳудудларда амалга ошираётган фаолияти уларнинг аҳолининг сиёсий социализациялашуви муҳим факторларидан бирига айланаётганлигини кўрсатади.

10. Таҳлиллар сиёсий партиялар давлатни модернизациялашда етакчи куч вазифасини ўташ баробарида жамият тараққий этиб боргани сайин уларнинг ўзи ҳам мос равишда такомиллашиб боришга ҳаракат қилаётгани, ўз дастурларини, мафкурасини, ташкилий тузилмасини ўзгараётган замон талабларига мослашга ҳаракат қилаётганини кўрсатади. Сиёсий партиялар фаолиятида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланса-да, ҳали ўз салоҳиятларини

тўлақонли рўёбга чиқаришларига ҳалақит қилаётган омиллар сақланиб қолаётганлигини ҳам кўрсатади. Жумладан:

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун ташаббусларининг қарийб 65 фоизга яқини ҳалигача мамлакат Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳиссасига тўғри келиб, депутатларнинг улуши камлигича қолмоқда;

депутатлар киритаётган қонун ташаббусларининг аксарияти мавжуд қонунчиликка ўзгартиришлар киритишдан иборат бўлиб қолмоқда;

фракциялар томонидан қонунчилик билан берилган парламент воситаларидан фойдаланиш, хусусан, парламент кўпчилиги ва муҳолифати институтларини қўллашда муаммолар сақланиб қолмоқда.

Назарий ва амалий тадқиқотлар, таҳлиллар ва хулосалар асосида Ўзбекистонда модернизация жараёнларида сиёсий партияларнинг иштирокини кучайтиришга қаратилган қуйидаги **таклиф**, **тавсия** ва **фикр-мулоҳазалар** ишлаб чиқилди:

1. Сайлов натижаларига кўра Бош вазир номзодини кўрсатган партия ёки партиялар (бўлғуси парламент кўпчилиги) билан янги тузилган ҳукумат ўртасидаги муносабатларнинг қонуний асосларни белгилаб қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида”ги қонунларга тегишли қўшимча ва ўзгаришларни киритиш.

2. Ўз навбатида Қонунчилик палатаси эътиборига муқобил қонун лойиҳаларини киритиш билан боғлиқ процессуал нормаларни такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон қонунчилиги билан ўзини муҳолиф деб эълон қилган сиёсий партия фракцияларига бундай ҳуқуқ берилган бўлсада, уни амалга ошириш билан боғлиқ процессуал нормаларнинг қонунларда акс этмаганлиги учун аксарият бу фаолиятни қийинлаштимокда. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонунга ўзини муҳолиф деб эълон қилган фракциялар томонидан бундай қонунларни тайёрлаш ва киритиш, қолаверса бу тўғрисида аввалдан Қонунчилик палатаси Кенгашини хабардор қилиш механизмларининг аниқ акс эттирилиши ушбу муҳим ҳуқуқнинг тўлақонли ишлаб кетишига хизмат қилади.

3. Депутатларнинг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан кенгрок фойдаланиш масалаларига катта эътибор берилаётганига қарамасдан, депутатларнинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Маълумки мамлакат Конституцияси билан қонунчилик ташаббускорлиги ҳуқуқига эга бўлган барча субъектлар бу ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур ташкилий, молиявий ва бошқа асосларга эга. Депутатлар эса аксарият ҳолларда қонун ташаббусини тайёрлашда ўз куч ва имкониятларига таянган ҳолда иш юритишади, холос. Норматив ҳужжатлар билан уларнинг бу борадаги фаолиятини таъминлашга доир меъёрлар аниқ белгилаб

қўйилмаган. Бу ҳолат уларнинг ўз қонун ташаббускорлик ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқаришларида маълум бир тўсик бўлиб қолмоқда. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг шу йўналишдаги моддалар билан тўлдирилиши депутатларнинг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқини реал асослар билан мустаҳкамлайди.

4. Сиёсий партия фракцияларига қонун ташаббускорлиги ҳуқуқини бериш. Айнан мана шу имконият уларга сайловолди дастурларида илгари сурилган ғояларни қонунлар даражасига олиб чиқишда катта қўшимча имкониятлар яратади.

5. Фракцияларга тегишли вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши устидан фракция эшитувларини амалга ошириш ҳуқуқини бериш. Бу биринчидан, партия фракциялари томонидан вазирлик ва идоралар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча имкониятлар берса, иккинчидан, фракциялар ташаббуси билан ялпи йиғилишга олиб чиқиладиган эшитувлар сифатини янада оширишга асос яратади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентига фракциялар қошида соҳа мутахассислари ва олимлар иштирокида экспертлар гуруҳи тузилиши тўғрисидаги нормани киритиш. Ушбу институтнинг қонунчиликка киритилиши ва фракциялар қошида мазкур тузилманинг шакллантирилиши фракциялар томонидан тайёрланадиган қонун лойиҳалари ва парламент эшитувига оид тадбирларни юқори профессионал савияда амалга оширилишга замин яратади.

7. Парламентга, депутатлар корпусига Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг тўлиқлиги ва мунтазамлигини, шунингдек, турли органлар томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг таққосланишини таъминлаш учун тақдим этилувчи ҳужжатлар ва ҳисоботларнинг стандарт шакллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш. Бугунги кунда ушбу амалиётнинг мавжуд эмаслиги, ҳисоботлар ва бошқа маълумотлар тақдим қилишнинг эркин шаклда (ҳисобот берувчилар учун қулай шаклда) амалга оширилаётгани ўрганилаётган соҳалар бўйича берилаётган маълумотларнинг тўлиқ бўлмаслигига, солиштира ўрганиш имкониятининг йўқлигига сабаб бўлиб, натижада тўлақонли таҳлил учун имкон бермаётганлиги кўзга ташланади.

8. Партия сайловолди дастурида илгари сурилган вазифаларни самарали бажаришни ташкил қилиш мақсадида фракцияга фракция аъзоларини бир қўмитадан иккинчисига ўтказиш ҳуқуқини бериш.

9. Сиёсий партияларга партия ва фракциядан узилган ёки ўз сайлов округи муаммоларидан узоқлашиб, ўз ҳудудида партиянинг ишчанлик обрўсига путур етказган фракция аъзоларини фракция тақдимномасига асосан депутатлар сафидан чиқариш ваколатини бериш.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари регламенти тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш таклиф этилади. Ушбу қонун доирасида партиявий гуруҳлар ҳуқуқлари реализациясини амалга оширувчи аниқ механизмлар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида фаолият юритаётган депутатларнинг назорат-таҳлил йўналишидаги фаолияти ваколатлари (хусусан, маҳаллий бюджетлар муҳокамаси механизми, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига депутатлик сўровлари натижаларида аниқланган ҳолатлар юзасидан масалаларни, қолаверса партиявий гуруҳлар ташаббуси билан киритилаётган масалаларни мажбурий тартибда киритиш ва бошқалар) аниқ ифодасини топиши керак.

11. Депутатларнинг тегишли партия гуруҳлари ва сиёсий партиялар билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш, улар фаолиятининг ташкилий-таҳлилий ва ахборот кўмагини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА № DSc.03/30.12.2019. Ss.01.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ
М. УЛУГБЕКА**

ЯКУБОВ БАХТИЁР СУЛТОННАЗИРОВИЧ

**РОЛЬ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В МОДЕРНИЗАЦИОННОМ
ПРОЦЕССЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора политических наук (DSc)**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.:DSc/SS59

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. М.Улугбека
Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Ученого совета (ik-sf@uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант: **Муминов Алишер Гаффарович**
доктор политических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Журакулов Фуркат Норйигитович,**
доктор политических наук (DSc);
Жўраев Қодир Асадович,
доктор политических наук, профессор;
Усмонов Маъруф Шакирович,
доктор философских наук (DSc).

Ведущая организация: **Университет мировой экономики и дипломатии**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета № DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 при Национальном университете Узбекистана «3» март 2022 года в 10 часа дня. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, факультет социально-гуманитарных наук Национального университета Узбекистана, 5 этаж, комната 511). Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24, (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (Зарегистрировано под номером 25). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4, Национальный университет Узбекистана, Административное здание, 2 этаж, комната 4. Тел: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации опубликован «21» февраля 2022 года.
(Протокол реестра № ___ от « ___ » _____ 2022 года.)



Ш.И.Пахрутдинов
Председатель Ученого совета по
присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

К.М.Мирзаахмедов
Ученый секретарь Ученого совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.
(PhD).

И.Эргашев
Заместитель председателя научного
семинара при Ученом совете по
присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Интенсивные модернизационные процессы происходящие в мире все больше актуализируют задачи институционального, функционального и организационного совершенствования деятельности политических партий и многопартийной системы в целом, полноценного отражения в их деятельности интересов различных групп и слоев общества. Трансформационные и модификационные изменения, протекающие на фоне процессов обновления общества и формирования демократического управления в системах многопартийности, делают объективной необходимость совершенствования деятельности политических партий. Известно, что выборы в представительные органы власти в демократических обществах осуществляются на основе многопартийности. Поэтому, дальнейшее усиление межпартийной конкуренции, усиление влияния политических партий на систему органов власти и управления, формирование их соответствия модернизационным процессам, расширение их возможностей в предвыборный период становятся актуальными задачами, требующих своего изучения.

В научных центрах развитых стран мира, специализирующихся на вопросах политического анализа, уделяется большое внимание вопросам изучения модернизационных процессов, роли и участия в них институтов гражданского общества, в частности, политических партий. В мировой науке все большее значение придается изучению политико-правовых и социальных аспектов роли многопартийности в системе государственного управления, нахождению и внедрению оптимальных моделей взаимоотношений между государством и гражданским обществом, максимальному отражению интересов населения в процессах реформирования общества, применение в этом современных методов, усилению роли политических партий в данных процессах. Актуальность изучения социально-политических сторон и закономерностей деятельности политических партий усиливает и то обстоятельство, что политические партии являются важным феноменом, непосредственно влияющим на ход модернизационных процессов.

Задачи поэтапной модернизации политической системы Узбекистана требуют постоянного совершенствования идейно-идеологических платформ политических партий, внедрения современных методов решения межпартийных споров на основе консенсуса, активного использования системы глубокого анализа интересов и потребностей электората, нахождению новых путей решения возникающих проблем.

Следует отметить, что и в Узбекистане в последние годы начался процесс реформ и модернизации, направленных на обеспечение устойчивого развития страны на новом этапе развития на основе принципа

«государственные органы должны служить народу, а не народ государственным органам». «Совершенствование системы многопартийности, усиление роли политических партий в жизни государства и общества, формирование между ними атмосферы здоровой конкуренции»¹ становится объективной необходимостью современного этапа развития общества. В сложившейся ситуации активное участие политических партий через свой депутатский корпус в формировании правовых основ обновления общества, осуществление эффективного контроля над деятельностью исполнительных органов, обеспечение плюрализма и социально-политической стабильности приобретают все более актуальное значение.

На сегодняшний день проделана планомерная работа по реализации государственной политики в этой сфере. В частности, приняты законы «О политических партиях», «О Регламенте Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан», Конституционный закон «О модернизации и дальнейшей демократизации государственного управления и усилении роли политических партий в модернизации страны», Указы Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан», «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан», «Об утверждении Концепции развития гражданского общества на 2021-2025 годы» и т.д. Таким образом, данная диссертация в определенной степени направлена на научное и аналитическое обеспечение содействия выполнению задач, стоящих перед страной в рамках осуществляемых преобразований и поставленных в указанных и других нормативных актах.

Соответствие исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации²: Системная работа по изучению роли политических партий в модернизационных процессах, в том числе усиления их влияния на функционирование органов власти и управления, деятельности, взаимодействие с институтами гражданского общества ведется в научных центрах и высших учебных заведениях ряда зарубежных стран, в том числе в

¹Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг дастури // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/uzbekiston-respublikasi-prezidentligiga-nomzod-shavkat-miromonovich-mirziyoevning-dasturi>.

² Обзор зарубежных научных исследований согласно темы диссертации подготовлен с использованием материалов, размещенных на сайтах: <https://www.eui.eu/>, eipa.eu, <https://www.progressivepolicy.org/>, <http://www.nira.go.jp>, <https://shalem.ac.il/en/>, <https://www.cap-lmu.de/>, <https://www.brookings.edu/>, <https://www.cam.ac.uk/>, <https://www.princeton.edu/>, <https://www.sciencespo.fr/>, <https://www.unibe.ch/>, <http://gwu.edu/>, www.tsinghua.edu.cn, <https://www.uni-heidelberg.de/en>, <https://www.universityofcalifornia.edu/>, <https://www.fraserinstitute.org/>, <https://eusp.org/m-center/about>, <http://inion.ru/>, <https://www.hse.ru/>, <https://www.kaznu.kz/ru>, <https://www.nuu.uz/>, <https://dba.uz/>, <https://www.uwed.uz/ru/>, <https://akadmvd.uz/uz> и др.

The European University Institute (Италия), University of Bern (Швейцария), University of California (США), Centrum fur angewandte Politikforschung/CAP (ФРГ), Ruprecht-Karls-Universität Heidelberg (ФРГ), European Institute of Public Administration (Голландия), Institut d'études politiques de Paris (Франция), Progressive Policy Institute (США), Brookings Institution (США), Princeton University (США), University of Cambridge (Великобритания), Fraser Institute (Канада), The national institute for research Advancement (Япония), Shalem Centre (Израиль), Tsinghua University (КНР), Высшей школе экономики (Россия), Центре исследований модернизации (Россия), Институте научной информации по общественным наукам (РФ), национальном университете Казахстана.

